

## УЙДАГИ ТАЗЙИҚ, ЗЎРАВОНЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕККАН АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

*Саида Ахунджанова*

*Тошкент вилояти Тошкент тумани*

*20-сонли умумий ўрта таълим мактаби*

*амалиётчи психологи*

Инсон ҳуқуқлари Давлат томонидан ҳимоя қилинар экан ,унунг барчага тенг ҳуқуқли,аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлиги ҳимояланади.Оилада аёл ва фарзанднинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилинган.Бундай оила фарзандлари ва бу оиладаги аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга психологик реабилитатсия ( олиб чиқиш , ёрдам) қилиш зарурдир .Улар билан алоҳида суҳбатлашиш , уларнинг руҳиятини органиш , уларга ёрдам бериш зарурдур.

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини,

таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш; махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали мурожаат этишлари мумкин, текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништиради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. 2020 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Мазкур қонун 35 моддадан иборат. Қонунда жинсий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, иш жойи, руҳий зўравонлик, тазйиқ, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, ҳимоя ордери каби тушунчаларга изоҳ берилган. 2019 йил 9 июнда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани «Ботош» маҳалласидан булган икки фарзанднинг онаси, 32 ёшли Мафтуна Бадалова (исм-фамилияси о'згартирилган) бош суягининг бир неча жойидан синиши ва танасидаги бошқа бир қанча гематомалар билан туман касалхонасининг шошилинич тиббий булимига ётқизилди. Маълум булишича, Мафтуна мунтазам эри томонидан калтакланган. Ун йиллик турмуши давомида эри билан 38 марта жанжаллашган булиб, ҳар сафар маҳалла раиси, Яраштириш комиссияси ва туман Хотин-қизлар қўмитаси аралашуви билан оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Аммо эрга қилинган панд-насихатлар қор қилмасдан аёлга нисбатан зуравонликлар тухтамаган. Мафтуна барчасини ичига ютиб яшаган. Бора-бора ҳеч кимга мурожаат ҳам қилмай қуйган. Зулмлар остида тақдирига тан бериб яшайверган. Сунгги марта эса эрининг ваҳшийларча

калтаклашидан қочиб кетолмасдан ҳушидан кетган. Энг ачинарлиси, барча таҳқирлашлар ва зуравонликлар унинг икки нафар норасида гудаги кузи олдида у'й берган. Афсуски, аёл шифохонада жон таслим қилди. Фарзандлари эса бузлаганча қолаверди...

Уйдаги тазйик, зўравонликдан азият чеккан аёллар ва болларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида гапирилганда Гендр тенглиги тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтамиз: бу хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар — жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

гендер — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

гендер статистикаси — давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми; гендер-ҳуқуқий экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш; жинс бўйича билвосита камситиш — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар

белгилаш.

Хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлади. Қуйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди: бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш; қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш; гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш; хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари; мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш; қамокда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш; хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида нутқ сўзлади. Тадбир ташкилот тарихида илк бор видеоанжуман шаклида бўлиб ўтди. Бунга жаҳонда вужудга келган эпидемиологик вазият сабаб бўлди. Ўзбекистон Президенти ушбу чиқишининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, БМТ тарихида илк маротаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев чиқиши давомида халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди. Хусусан, Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Йўналишлар орасида гендер масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”, деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти хотин-қизларнинг инсоният тараққиётида ўрнини тўғри англаган ҳолда халқаро механизмларни яратишга ҳам ҳаракат қилмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг қабул қилингани фикримизнинг далилидир. Мазкур конвенция хотин қизлар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришиш, яъни гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар томонидан ўз ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган муаммоларни аниқ-равшан белгилаган асосий ҳужжатдир.

Конвенцияда белгиланган муаммолар кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Унда турли шаклда намоён бўладиган камситишларга барҳам бериш муаммоларининг долзарблиги аниқлаб берилиши билан бирга, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли инсон сифатида мавқеини ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари, эркак билан тенг ҳуқуқлиги, оналик лаёқати билан боғлиқ муҳим қоидалар акс эттирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда гендер тенглик бўйича институционал асослар ҳам кенгайтирилмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг 49 фоизини хотин-қизлар, уларнинг қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этар экан, албатта бу йўналишда алоҳида давлат сиёсати олиб боришга тўғри келмоқда. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, шунингдек, аёллар ҳуқуқий маданиятини ошириш каби йўналишларда қатор амалий ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар масалаларига оид халқаро мажбуриятларини виждонан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг аъзоси сифатида миллий қонунчиликка унинг нормаларини уйғунлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. 2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, тазйиқлар ва зўравонликдан жабрланганларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳам қонуннинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда эса оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологик ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асосдир. Бундай чоралар, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари томонидан узоқ вақт давомида тавсия қилиб келинган эди.

Фақатгина 2019 йилда жойларда 197 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ташкил этилди. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда гендер тенгликка эришишда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кучайтириш, шу орқали оилани мустаҳкамлаш, юқори интеллектуал даражадаги ёш авлодни вояга етказиш, жамият барқарорлигини таъминланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Хотин-Қизларни Тазйиқ Ва Зўравонликдан Ҳимоя Қилиш Тўғрисида Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган
2. Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

3. Хотин-Қизлар Ва Эркаклар Учун Тенг Ҳуқуқ Ҳамда Имкониятлар Кафолатлари Тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган
4. Гулнора Худойбердиева, Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди мақоласи
5. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида нутқи
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Хотин-Қизларни Тазйиқ ва Зўравонликдан Ҳимоя Қилиш Тизимини Такомиллаштириш Чора-Тадбирлари Тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири А. Арипов
7. Тошкент ш., 2020 йил 4 январь, 3-сон Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-562-сон қарори.